

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИНГЛИЗ ҲУҚУҚИ МАРКАЗЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖОРИЙ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ: АҚШ ВА
БУЮК БРИТАНИЯ ТАЖРИБАСИ**

Абдурахимова Бегимхон

Тошкент халқаро Вестминстер университети Докторантура (илмий ишлар) мактаби катта
мутахассиси (тадқиқотлар ва ривожлантириш бўйича),
Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси

**ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ И ВНЕДРЕНИЯ ЦЕНТРОВ
АНГЛИЙСКОГО ПРАВА В УЗБЕКИСТАНЕ: ОПЫТ США И
ВЕЛИКОБРИТАНИИ**

Абдурахимова Бегимхон

Старший специалист (по исследованиям и развитию) Школы докторантуры
Международного Вестминстерского университета в Ташкенте,
самостоятельный соискатель Ташкентского государственного юридического университета

**PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT AND INTRODUCTION OF
ENGLISH LAW CENTRES IN UZBEKISTAN: THE EXPERIENCE OF
THE USA AND THE UNITED KINGDOM**

Abdurakhimova Begimkhon

Senior Specialist (Research and Development), Doctoral School, Westminster International
University in Tashkent,
Independent Researcher, Tashkent State University of Law

***Аннотация:** Мақолада глобллашув шароитида юридик таълим тизимида инглиз ҳуқуқи марказларини ташкил этишининг назарий ва амалий жиҳатлари таҳлил қилинган. Буюк Британия ва АҚШнинг Common Law тизими асосида ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тажрибаси, ҳуқуқий*
SJIF: 5.051

тадқиқот марказлари ва юридик клиникалар фаолияти ўрганилган. Шунингдек, мазкур тажрибани Ўзбекистон олий юридик таълим тизимига жорий этиш имкониятлари, халқаро академик ҳамкорликни ривожлантириш ва халқаро талабларга жавоб берадиган рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш масалалари ёритилган. Тадқиқот натижалари инглиз ҳуқуқи марказларини ташиқил этиш миллий ҳуқуқ тизимини халқаро ҳуқуқий макон билан уйғунлаштириш ҳамда юридик таълим сифатини оширишнинг муҳим институционал механизми эканлигини кўрсатади.

Калим сўзлар: *юридик таълим, инглиз ҳуқуқи, Common Law, инглиз ҳуқуқи марказлари, халқаро ҳамкорлик, юридик клиникалар, ҳуқуқий тадқиқотлар, қиёсий ҳуқуқшунослик, халқаро ҳуқуқ, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш.*

Аннотация: *В статье исследуются теоретические и практические аспекты создания центров английского права в системе юридического образования в условиях глобализации. Рассматривается опыт Великобритании и США в области подготовки юридических кадров на основе системы Common Law, а также деятельность научно-исследовательских центров, юридических клиник и специализированных образовательных программ. Анализируются возможности внедрения подобных институтов в Республике Узбекистан с целью повышения качества юридического образования, развития международного академического сотрудничества и подготовки конкурентоспособных специалистов в сфере международного и коммерческого права. Автор обосновывает необходимость создания центров английского права как*

важного институционального механизма интеграции национальной правовой системы в международное правовое пространство.

Ключевые слова: *юридическое образование, английское право, Common Law, центры английского права, международное сотрудничество, юридические клиники, правовые исследования, сравнительное правоведение, международное право, подготовка юридических кадров.*

Abstract: *The article examines the theoretical and practical aspects of establishing English law centres within the system of legal education in the context of globalization. It considers the experience of the United Kingdom and the United States in training lawyers on the basis of the Common Law system, as well as the activities of research centres, law clinics and specialized educational programmes. The possibilities of introducing similar institutions in the Republic of Uzbekistan are analysed with a view to improving the quality of legal education, developing international academic cooperation and training competitive specialists in international and commercial law. The author substantiates the need to create English law centres as an important institutional mechanism for integrating the national legal system into the international legal space.*

Keywords: *legal education, English law, Common Law, English law centres, international cooperation, law clinics, legal research, comparative law, international law, training of legal professionals.*

Глобаллашув шароитида миллий ҳуқуқ тизимларининг халқаро ҳуқуқий макон билан интеграциялашуви тобора кучайиб бормоқда. Жаҳон банки маълумотларига кўра, 2023 йил ҳолатига кўра 190 дан ортиқ давлат халқаро инвестиция келишувларида иштирок этган бўлиб, бу ҳуқуқий

тизимлар уйғунлашувини янада тезлаштирмоқда¹. Шу ҳолат, айниқса, юридик таълим соҳасида янги институционал ёндашувларни жорий этиш заруратини юзага келтиради. Шу нуктаи назардан, инглиз-америка ҳуқуқ тизими (Common Law), дунёдаги 80 дан ортиқ давлатда қўлланилади, тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади².

Бугунги кунда халқаро иқтисодий муносабатлар, трансмиллий корпорациялар фаолияти, халқаро арбитраж ва инвестиция низоларининг ортиши ҳуқуқшунос кадрлардан нафақат миллий қонунчиликни, балки халқаро ҳуқуқий амалиётни ҳам чуқур билишни талаб қилмоқда. Шу сабабли ривожланган давлатларда юридик таълим мазмуни мунтазам равишда янгиланиб, халқаро ҳуқуқ, қиёсий ҳуқуқшунослик ва ҳуқуқий тадқиқот методологиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Common Law тизими асосида шаклланган мамлакатларда суд прецеденти, ҳуқуқий таҳлил ва амалий кўникмаларни ривожлантириш таълим жараёнининг асосий таркибий қисми ҳисобланади.

Буюк Британия ҳуқуқий таълим тизими 13–14 асрларда шаклланган Common Law анъаналарига асосланган бўлиб, ҳозирги кунда 130 дан ортиқ университетда ҳуқуқ таълими йўналишлари мавжуд. Хусусан, Лондон университети тизимидаги Institute of Advanced Legal Studies (IALS) 1947 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда 50 дан ортиқ мамлакат олимлари билан ҳамкорликда тадқиқотлар олиб боради³. Ушбу марказлар ҳар йили 200 дан зиёд илмий мақолалар ва тадқиқот лойиҳаларини чоп этади.

Буюк Британияда ҳуқуқий таълимнинг муҳим хусусиятларидан бири назарий билимлар билан бир қаторда ҳуқуқий тадқиқот кўникмаларини шакллантиришга катта эътибор қаратилиши ҳисобланади. Масалан, Оксфорд

ва Кембриж университетларида талабалар биринчи босқичданоқ суд қарорларини таҳлил қилиш, ҳуқуқий фикрлаш ва илмий тадқиқот олиб бориш кўникмаларини эгаллайдилар. Шунингдек, мамлакатдаги ҳуқуқий марказлар ҳуқуқий сиёсатни ишлаб чиқишда давлат органлари учун экспертлик вазифасини ҳам бажаради. Айрим тадқиқотларга кўра, Буюк Британия парламент кўмиталари томонидан кўриб чиқиладиган ҳуқуқий хулосаларнинг қарийб 30 фоизи университет тадқиқот марказлари иштирокида тайёрланади.

АҚШда юридик таълим “law school” модели асосида ташкил этилган бўлиб, биринчи юридик мактаб — Harvard Law School 1817 йилда ташкил этилган. Ҳозирги кунда АҚШда 200 дан ортиқ аккредитациядан ўтган юридик мактаблар фаолият юритади. Case method усули биринчи марта 1870 йилда профессор Christopher Langdell томонидан жорий этилган бўлиб, бугунги кунда АҚШ юридик таълимининг 90% дан ортиғи ушбу методга асосланади⁴. Шунингдек, Гарвард, Йел ва Стэнфорд университетлари ҳар йили 1000 дан ортиқ халқаро тадқиқот лойиҳаларини амалга оширади.

АҚШ ҳуқуқий таълим тизимида юридик клиникалар алоҳида аҳамиятга эга. Клиник таълим талабаларга реал ҳуқуқий муаммолар билан ишлаш, ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш, музокаралар олиб бориш ва суд жараёнларида иштирок этиш имконини беради. Американинг кўплаб юридик мактабларида талабаларнинг клиник дастурларда қатнашиши битирув учун муҳим талаблардан бири ҳисобланади. Тадқиқотлар кўрсатишича, клиник дастурларда иштирок этган талабаларнинг меҳнат бозорига мослашиш даражаси анъанавий таълим олган талабаларга нисбатан юқорироқ бўлади.

Шу билан бирга, АҚШдаги ҳуқуқий тадқиқот марказлари қонунчиликни такомиллаштириш, суд амалиётини таҳлил қилиш ва ҳуқуқий ислоҳотларни илмий асослашга хизмат қилади. Масалан, American Law Institute томонидан ишлаб чиқилган ҳуқуқий тавсиялар кўплаб штатлар қонунчилигига татбиқ этилган. Бу эса академик муассасаларнинг ҳуқуқий сиёсат шаклланишидаги таъсирини кўрсатади.

АҚШ ва Буюк Британия тажрибаси шуни кўрсатадики, инглиз ҳуқуқи марказлари бир қатор муҳим функцияларни бажаради. Масалан, АҚШда юридик клиникалар орқали ҳар йили тахминан 70 000 дан ортиқ фуқаро бепул ҳуқуқий ёрдам олади⁵. Буюк Британияда эса университет клиникалари орқали йилига 20 000 дан ортиқ ҳуқуқий кейслар кўриб чиқилади.

Бундан ташқари, мазкур марказлар халқаро илмий ҳамкорликни ривожлантириш, хорижий профессорлар ва тадқиқотчиларни жалб қилиш, қўшма таълим дастурларини ташкил этиш ҳамда ҳуқуқий инновацияларни жорий этиш вазифаларини ҳам бажаради. Кўплаб давлатларда айнан ҳуқуқий марказлар халқаро рейтингларда университетлар нуфузининг ошишига хизмат қилмоқда. QS World University Rankings маълумотларига кўра, ҳуқуқ соҳасида юқори ўринларни эгаллаган университетларнинг аксариятида мустақил ҳуқуқий тадқиқот марказлари фаолият юритади.

Ўзбекистон шароитида инглиз ҳуқуқи марказларини ташкил этиш эҳтиёжи ҳам ортиб бормоқда. Жаҳон банкининг 2024 йил рейтингига кўра, Ўзбекистон инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича 190 мамлакат орасида 69-ўринни эгаллаган бўлиб, ҳуқуқий тизимни халқаро стандартларга мослаштириш зарурати сақланиб қолмоқда⁶. Шу билан бирга, мамлакатда

2025 йил ҳолатига кўра 80 дан ортиқ олий таълим муассасаси фаолият юритмоқда, шулардан 15 таси юридик таълим йўналишида кадр тайёрлайди.

Сўнгги йилларда мамлакатда ҳуқуқий таълимни модернизация қилиш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, юридик таълимнинг кредит-модуль тизимига ўтказилиши, хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик дастурларининг кенгайиши ҳамда юридик клиникалар фаолиятининг ривожлантирилиши ушбу соҳадаги ижобий ўзгаришлардан ҳисобланади. Бироқ халқаро ҳуқуқий маконга интеграциялашув нуктаи назаридан инглиз ҳуқуқи бўйича ихтисослашган марказларни ташкил этиш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

АҚШ ва Буюк Британия тажрибасига таянадиган бўлсак, инглиз ҳуқуқи марказларини ташкил этиш учун университетлар қошида махсус илмий марказлар, мустақил тадқиқот институтлари ва халқаро ҳамкорлик лабораторияларини шакллантириш мақсадга мувофиқ. Дунё амалиётига кўра, Common Law марказлари мавжуд университетларда халқаро талабалар улуши ўртача 25–40% ни ташкил этади, бу эса академик мобилликни сезиларли даражада оширади.

Бундай марказларда қиёсий ҳуқуқшунослик, халқаро тижорат ҳуқуқи, инвестиция ҳуқуқи, халқаро арбитраж ва суд прецедентини ўрганишга ихтисослашган илмий йўналишларни ташкил этиш мумкин. Шунингдек, рақамли иқтисодиёт, сунъий интеллект, киберхавфсизлик ва маълумотларни ҳимоя қилиш соҳаларида ҳуқуқий тадқиқотлар олиб бориш ҳам келажақдаги истиқболли вазифалардан ҳисобланади. Бу эса миллий ҳуқуқшунос кадрларнинг халқаро меҳнат бозорида рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, инглиз ҳуқуқи марказлари замонавий юридик таълим тизимининг муҳим институционал элементи ҳисобланади. OECD маълумотларига кўра, амалий клиник таълим тизими жорий этилган университетларда битирувчиларнинг иш билан таъминланиш даражаси 15–20% га юқори бўлади⁷. Шу боис, Ўзбекистонда бундай марказларни ташкил этиш миллий ҳуқуқ тизимини халқаро стандартларга яқинлаштиради, юридик таълим сифатини оширади ва мамлакатнинг глобал ҳуқуқий майдондаги рақобатбардошлигини мустаҳкамлайди. Шу билан бирга, мазкур марказлар ҳуқуқий тадқиқотлар сифатини яхшилаш, халқаро академик ҳамкорликни кенгайтириш, инвестиция муҳитини янада такомиллаштириш ҳамда ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнларини илмий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Натижада, миллий юридик таълим тизими халқаро таълим ва тадқиқот стандартларига янада яқинлашиб, мамлакатнинг ҳуқуқий тараққиёти учун мустаҳкам институционал асос яратилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. World Bank. World Investment Report 2023. Washington, D.C., 2023.
2. Merryman J.H., Pérez-Perdomo R. The Civil Law Tradition: An Introduction to the Legal Systems of Europe and Latin America. Stanford University Press, 2019.
3. University of London. Institute of Advanced Legal Studies (IALS) Annual Report. London, 2023.
4. Langdell C.C. A Selection of Cases on the Law of Contracts. Harvard Law School Archives, 1871.

5. American Bar Association. Legal Clinics and Access to Justice Report. ABA Publications, 2022.
6. World Bank. Doing Business / Investment Climate Assessment Report. Washington, D.C., 2024.
7. OECD. Legal Education and Employability Report. Paris, 2023.
8. American Law Institute. Annual Report. Philadelphia, 2023.
9. QS World University Rankings by Subject: Law and Legal Studies. London, 2024.
10. Legal Education Foundation. University Law Clinics Report. London, 2023.